

Тошкент, 6 октябрь 2019 йил

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИББИЁТ ПСИХОЛОГИЯСИННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Проф. ИБОДУЛЛАЕВ
Зарифбой Ражабович
Тошкент тиббиёт академияси

АСОСИЙ МАСАЛАЛАР

1

- МУАММОНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

2

- ПСИХОСОМАТИК ТИББИЁТ НАҚАДАР ЗАРУР?

3

- ТИББИЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ПСИХОТЕРАПИЯ МАСАЛАСИ БИЗДА ҚАНДАЙ?

4

- НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?

БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОСИ

- Ўзбекистоннинг олий тиббий таълим муассасаларида “Тиббиёт психологияси ва психотерапия” фанини ўқитиш масаласи ўта долзарб. Мен нима учун тиббиёт психологияси ва психотерапияни биргаликда кўрсатиб ўтаяпман? Чунки Тиббий психологнинг асосий қурули – бу психотерапия.

ВАЗИРЛИКНИНГ ЎТА МУҲИМ ҚАРОРИ

ССВ 2017 йили тиббиёт психологияси ва психотерапияни бирлаштириш ҳамда “Тиббиёт психологияси” йўналишида магистратура ва клиник ординатурани тамомлаган кадрлар дипломи “Тиббий психолог-психотерапевт” деб номланиши ҳақида қарор қабул қилди.

НИМА УЧУН ВРАЧДА ТИББИЙ- ПСИХОЛОГИК ИЛМ ПАСТ?

- Чунки тиббиёт институтларида “Тиббиёт психологияси” фани 40 соат ўқитилади. Бу жуда кам! Психотерапияга эса бор-йўғи 2 соат ажратилган. Хорижда ва ҳатто МДҲ давлатларида бу йўналишга белгиланган дарс соатлари анча юқори.

Бизга нима керак?

- Ҳар бир врач тиббий-психологик илмга эга бўлиши керак;
- Клиник фанларни ўқитишда “функционал бузилишлар” деган иборадан воз кечиб “психосоматик бузилишлар” иборасини киритиш лозим.
- Ҳар бир органик синдром ёки касалликни психосоматик синдромлар билан қиёслаш ҳақидаги маълумотлар дарсликларда ёритилган бўлиши керак.

Психосоматик тиббиётсиз – тиббиётнинг келажаги йўқ!

- Клиник фанлар ичидаги психосоматик тиббиётнинг ўрни алоҳидаги кўрсатиб берилиши керак;
- Ҳар иккинчи терапевтик bemорда психосоматик касаллик аниқланади.
- Ҳар бир врач психопрофилактика, психодиагностика ва психотерапия ҳақида билим ва қўникумаларга эга бўлиши керак.

СОАТЛАР МИҚДОРИ ҚУЙИДАГИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ ЛОЗИМ

- “Тиббий психология ва психотерапия” фани даволаш факультетларида 140 соат, тиббий-профилактика ва стоматология йўналишида камида 70 соат ва олий малакали ҳамширалар тайёрлаш факультетида 46-50 соат бўлиши лозим. Биз буни Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддиларига ҳам асослаб берганмиз.

ТОР ДОИРАДАГИ МУТАХАССИСЛАРГА ПСИХОСОМАТИКА НАҚАДАР ЗАРУР?

- Тор доирадаги мутахассислар, яъни кардиолог, ревматолог, невропатолог, нейрохирург, онколог, фтизиатр ва ҳатто реаниматолог ҳам психосоматик тиббиёт асосларини билиши лозим. Ушбу кўрсатиб ўтилган барча мутахассисликлар амалиётида психосоматик бузилишлар деярли 70 % учрайди.

Илмий кадрлар масаласи оқсамоқда...

- Тиббий психология, психотерапия, психосоматик тиббиёт борасида дипломли илмий кадрларни тайёрлаш масаласига жиддий эътибор зарур! Бизга PhD ва Dsc лар керак! Улар бармоқ билан санаарли.

ПРОФИЛАКТИК ТИББИЁТ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Профилактик тиббиётнинг йирик иккита йўналиши – бу психогигиена ва психопрофилактика. Ҳозирда профилактик тиббиёт масаласига янада катта урғу берилмоқда. Биз Ўзбекистон аҳолиси орасида психоген ва психосоматик бузилишлар эпидемиологиясини ҳали билмаймиз. Невроз қанча?! Депрессия қанча?! Ҳавотирли-фобик бузилишлар қанча?

Психофармакотерапия фанига жиддий эътибор зарур

Врачлардаги мавжуд муаммолар?

1. Дорилар етарли дозада берилмайди.
2. Даволаш давомийлиги сунъий равишда камайтирилади.
3. Зарур дори тўғри танланмайди.
4. Комплаентлик йўқ.
5. Асоратларини бартараф этиш йўлларини билишмайди.

Магистратура очилиши



2012/2013 ўқув йили:
ТТА ва ТошПМИ да “Тиббиёт
психологияси” мутахассислиги
бўйича магистратура ва клиник
ординатура йўналишлари
очилди. “*Тиббиёт психологияси*”
магистратура
мутахассислигининг Давлат
таълим стандарти Европа
стандартлари асосида
тайёрланди.

Ўқитиш жараёни

Уч йиллик таълимда:

1-ўқув йили – умумий
тиббиёт психологияси;

2-ўқув йили –
нейропсихология ва
психосоматик тиббиёт;

3-ўқув йили –
психотерапия ва
психофармакотерапия



Нима қилиш керак? Таклифлар

1. Барча тиббиёт институтларида “Тиббий психология ва психотерапия” кафедралари ташкил қилиниши лозим;
2. Даволаш-профилактика муасссаларида “Тиббий психолог ва психотерапевт” кабинетлари ва “Психосоматик тиббиёт” бўлимлари ташкил этилиши керак;
3. Психогигиена ва психопрофилактика фанини қайта тиклаш керак.

Хулоса ва таклифлар


- Республикада “Тиббий психолог ва психотерапевт” кадрларнинг ўта танқислигини эътиборга олиб, вилоятларда жойлашган тиббиёт институтларида ҳам магистратура ва клиник ординатура йўналишларини очиш ва квоталар сонини кескин ошириш.

Хулоса ва таклифлар

- Республикада тобора кўпайиб бораётган суициднинг олдини олишда тиббий-психологик ёрдам тизимини Республикага ёйиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш керак.

Илмий лабораториялар

- Психофизиология лабораторияси;
- Нейропсихология лабораторияси;
- Нейрофизиология лабораторияси;
- Психогенетика лабораторияси;
- Экспериментал психология лабораторияси;
- Психигигиена ва психопрофилактика лабораторияси

The background of the image is a clear blue sky with scattered white, fluffy clouds. The clouds are more concentrated in the upper left and lower right quadrants.

Эътиборингиз
учун раҳмат!